



ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-АХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЬЛИГИ

Алланиязова М.З.

НДПИ эркин изланувчиси, Нукус шахри

Шахслараро муносабатлар асосини ахборот ташкил этади. Ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзаро ахборот алмашинувнинг юзага келиши: шахснинг муайян воқеа, ҳодиса, жараён, объект, субъект, предмет тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишини таъминлайди; шахсларнинг қизиқишлари асосида юзага келадиган эҳтиёжларини қондиради; муносабатни юзага келтиради; муносабатларнинг доимий, изчил кечишини таъминлайди; жараённи ёки шахслар фаолиятини тартибга солади; маълум соҳа ёки йўналиш бўйича ўзлаштирилган билимларни бойитади; шахс дунёқараши, маънавиятини ривожлантиради. Қолаверса, салбий мазмунга эга ахборот барқарор муносабат, жараёнларнинг беқарорлашувига ҳам олиб келади. Шунга кўра айтиш мумкинки, биргина ахборот алмашиниш чоғида ижтимоий (ижтимоийлашув), когнитив (билимларнига эга бўлиш), регулятив (бошқарув), рефлексив (баҳолаш) хусусият касб этади. Бу ҳолат ахборотнинг ижтимоий аҳамияти ёки салбий оқибатларини англашга ёрдам беради.

Глобаллашув шароитида ахборот эгаллаган ҳудуд, унга пропорционал равишда шахснинг ахборот олиш, алмашиш имконияти кенгайди. Аммо кенг кўламли ахборот муҳитида шахс нафақат фойдали, зарур, муҳим маълумотларни, шу билан бирга зарарли, нозарур, номуҳим ахборотларга ҳам дуч келади. Бу эса, биринчидан, шахсни асосий масала, ўрганилаётган муаммодан чалғитади; унда иккиланиш, гумонни юзага келтиради; қарашлар, ёндашувларда “оғиш” юзага келади; тажрибасиз ёшлар томонидан зарарли маълумотлар фойдали тарзда қабул қилинади. Шу боис ахборот глобал ахборотлашув шароитида шахсни ахборотни излаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, ундан фойдаланиш, уни узатиш метод, усул ва воситаларидан хабардор қилиш, амалий фаолиятда уларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ўрганиш натижаларига кўра замонавий шароитда муайян мамлакат ёки миллатни бўйсундириш учун оммавий ахборот воситаларинининг ўзи кифоя қилаётганлиги, куч ишлатиш, мажбурлаш, зўравонлик ахборот орқали таъсир қилиш, одамларни бирор ғояга ишонтириш онгни бошқариш технологияларига ўрин бўшатиб бераётганлиги маълум бўлади. Бугун ахборот ёрдамида ёшлар, шу жумладан, талабалар онгини ҳеч бир қийинчиликсиз, ортиқча иқтисодий харажатларсиз забт этиш мумкин. Шу сабабли унинг хавфини қуролли тўқнашувлардан юқори баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ахборот кураши зимдан олиб борилганлиги сабабли унинг субъектини аниқлаш имконияти йўқ.

Қолаверса, миллий менталитет хусусиятлари, миллий-маънавий кадрятлар, турмуш тарзи, ҳаётини интилишлар ва ахлоқий қарашларга зид



бўлган ахборотлар тарқалишининг олдини олиш, уларни бартараф этиш мураккаб жараён саналади. Бу мураккаблик ахборот хавфига қарши жамият томонидан уюшқоқлик билан курашиш имкониятига эга бўлмасликда кўринади.

Глобал ахборотлашув шароитида талабалар ахборотларни излаш, таҳлил қилиш, саралаш, қайта ишлаш ҳамда улардан шахсий фаолиятда мақсадли ва креатив фойдаланиш компетентлигига эга бўлиш лозим.

“Ижтимоий-ахборот компетентлиги” тушунчаси қуйидаги ҳолатларни англатишини айтиб ўтиш жоиз: 1) ахборот-коммуникацион технологиялар (АКТ) билан самарали ишлаш олиш; 2) АКТ ёрдамида фаолиятни ташкил этиш; 3) АКТ ёрдамида субъектлар ўртасида ўзаро мулоқотни юзага келтириш, тажриба алмашиш; 4) субъектлар томонидан АКТ орқали онлайн режимида таълим олиш.

Моҳиятига кўра, **ижтимоий-ахборот компетентлиги** – шахсининг ахборот муҳитида самарали фаолият кўрсатиш, бу жараёнда АКТдан фойдаланиш кўникма, малака, тажрибаларини ўзлаштириш (мотивацион даража), АКТнинг функционал имкониятларидан етарлича хабардор бўлиш (когнитив даража), улардан шахсий ривожланиш мақсадларини амалга ошириш йўлида мақсадли ва креатив фойдалана олиш (фаолиятли-рефлексив даража) қобилиятини ифодалайди.

Талабаларнинг ижтимоий-ахборот компетентлигига эгаллиги педагоглар, тенгдошлари, ижтимоий субъектлар билан ўзаро муносабатда, айниқса, ижтимоий муносабат АКТ, хусусан, ижтимоий тармоқлар воситасида амалга ошириладиган бўлса яққол кўзга ташланади. Субъектлар билан коммуникатив муносабатни ташкил қилишда талабалар муайян ижтимоий-ахлоқий меъёр талабларига риоя қилишлари, виртуал маданият сифатларига эга бўлишлари зарур. Тадқиқот муаммосининг ижобий ҳал этилиши бу борада ҳам зарур натижаларга эришишни назарда тутади.

ОТМнинг маънавий-маърифий ишлар тизимида талабаларнинг ижтимоий-ахборот компетентлигини ривожлантиришда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим: ахборотлашган жамият талаби, ижтимоий-таълимий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ахборот-коммуникатив компетенцияларнинг функцияларини аниқлаштириш; талабаларнинг ижтимоий-ахборот компетентлигини ривожлантиришда шахсий ва касбий ахборот майдонининг уйғунлигига эришиш; талабаларда ахборот-коммуникатив компетенцияларни таркиб топтиришда етакчи хорижий мамлакатлар тажрибасидан самарали фойдаланиш; талабаларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш борасида тўпланган тажрибаларни умумлаштириш; ОТМда ташкил қилинадиган маънавий-маърифий ишлар тизимида талабаларнинг ижтимоий-ахборот компетентлигини мажмуавий ривожлантиришга эътибор қаратиш; талабаларда ижтимоий-ахборот компетентлигининг яхлит намоён бўлишига эришиш.



Ўзбекистонда ахборот муҳити, ахборот муҳитидаги манфаатлар тўқнашуви ҳамда шахс онгини эгаллашга бўлган уринишлар, ахборот хавфсизлиги ва уни технологик жиҳатдан таъминлаш, ахборот-коммуникацион технологияларнинг талабалар шахсини ривожлантиришдаги ўрни, талабаларда ижтимоий-ахборот компетентлигини самарали ривожлантиришнинг аҳамияти А.Аминов, З.А.Артикбаева, У.Ш.Бегимқулов, М.Дехқонова, В.М.Каримова, Ш.Қ.Мардонов, М.М.Ниматулаев, Д.М.Сайфуров, Н.Умарова, М.Файзиева, Т.Т.Шоймардонов, Р.Т.Юлдашев ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Д.Я.Коготков, Г.В.Грачев, А.А.Журин, М.И.Зверева, А.С.Кочеулова, Т.Кравчук, А.Гиглавый, Н.В.Кулагина, Т.А.Малых, Н.В.Новожилова, И.А.Перрова, С.К.Рощин, В.А.Соснин, Н.И.Саттарова, В.С.Собкин ва бошқаларнинг изланишлари шахс, хусусан, талабаларнинг ахборот эҳтиёжлари, уларнинг даражаси, шахс ахборот-психологик хавфсизлиги, ахборотдан муҳофазаланиш имкониятлари, талабаларда ахборот билан оқилона ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг педагогик моҳияти, шахсда ахборот маданиятни шакллантириш йўллари, мазкур жараёнда ахборот-ресурс марказларининг ўрни, талабаларни ижодий фаолиятга йўналтиришда ахборот ресурслари ва Интернетнинг роли каби масалаларнинг ечимини топишга ёрдам беради.

Хорижлик олимлардан Э.Х.Морий (E.H.Mory), Томас Л.Фредман (Thomas L. Friedman), У.Биненграбер (U.Bienengraber), О.Ворндран (O.Vorndran), М.Осборн (M.Osborn) ва бошқаларнинг илмий ишларида шахснинг ижтимоий-ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг интеграцион, адаптатив ва модулли технологиялари татқиқ этилган.